

Ishonch

№ 52 (2621) - son

2009-yil

Ch P J Sh Y D S Ch P J Sh Y D S Ch P J Sh Y D S Ch P J Sh Y D S Ch P
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30

Aprel

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✻ E-mail: ishonch-doverie@mail.ru ✻ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Саноатнинг юқори технологияга асосланган тармоқлари, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш учун илғор таълим стандартлари даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, «Женерал Моторс» корпорацияси ва Турин политехника университетининг (Италия Республикаси) Тошкент шаҳрида Турин политехника университетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Турин политехника университети (Италия Республикаси), «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналари томонидан нотижорат ташкилот сифатида ташкил этиладиган олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Турин политехника университетида (Италия Республикаси) қабул қилинган таълим дастурларига ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумий эътироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ, автомобиль, машинасозлик ва электротехника саноати, энергетика, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш корхона ва ташкилотлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Университетнинг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Тошкент шаҳрида Турин политехника университетини ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Университет Турин политехника университети (Италия Республикаси) битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Турин политехника университетининг (Италия Республикаси) намунадаги дипломи берилади.

Университетга 2009/2010 ўқув йиллари учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул квотаси 200 киши этиб белгилансин.

4. Турин политехника университети (Италия Республикаси):

Университетда илғор педагогика ва ахборот технологиялари, илм-фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга асосланган ҳолда, ўқув-услубий раҳбарликни ва ўқув жараёнини амалга оширишни таъминлаши;

Университетнинг кутубхона фондини шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техника адабиётлари билан тўлдиришга, ўқув-лаборатория базаси ҳамда замонавий ахборот марказини ташкил этишга кўмаклашиши;

ўзбекистонлик ёш ва истиқболли илмий-педагог кадрларнинг малакасини, шу жумладан, чет элда оширишга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

талабаларнинг тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушадиган маблағлар, шу жумладан, манфаатдор ташкилотлар томонидан талабалар билан тузилган контрактлар асосида бериладиган грантлар;

Университет Ҳомийлик кенгаши қарорлари асосида жалб қилинадиган бошқа маблағлар, шунингдек, ҳомийлар маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети Ҳомийлик кенгашининг шахсий таркиби 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети барча турдаги солиқлардан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республикамизга Университетни реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган асбоб-ускуналар, компютер ва ташкилий техника, адабиёт, мультимедия маҳсулотлари, қурилиш материаллари, жиҳозлар ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 5 йил муддатга озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Университет буюртманомалари бўйича Университетнинг ушбу қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган чет эллик профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Университет буюртманомалари бўйича Университетнинг чет эллик профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига, уларнинг оила аъзоларига, давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда, кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасига чет эллик профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларни жалб қилиш учун Университетга, уни давлат божи тўлашдан озод этган ҳолда, белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини таъминласин.

10. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қуйидаги манзилдаги туташ ҳудудга эга бинолар комплексида жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси (Кичик халқа йўли), 17-уй.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда юқорида кўрсатилган туташ ҳудудга эга бинолар комплексини «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси балансига, 2009/2010 ўқув йили бошлангунга қадар бинолар комплексини компания томонидан реконструкция қилиш ва Университетни зарур мебеллар, жиҳозлар, ўқув ва лаборатория анжомлари, компьютер ва бошқа ташкилий техника билан замонавий талабларга мувофиқ жиҳозлашни таъминлаш шарти билан беришни назарда тутадиган қарор қабул қилсин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 27 апрел

Экологик хавфсизлик масалалари муҳокамаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 апрел куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари — Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчиларининг учрашувида иштирок этди.

Ушбу жамғармага Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 4 январ куни Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида асос солинган. Унинг асосий мақсади Орол инқирози туфайли зиён кўрган ҳудудларда экологик аҳволни яхшилашга қаратилган илмий-амалий лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш, умумий ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топишдан иборат.

Олмаотa учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов иштирок этди.

Маълумки, 1994 ва 2002 йилларда Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ саъй-ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бу дастурларга мувофиқ, қатор лойиҳалар амалга оширилди. Амударё дельтасида сунъий ҳавзалар барпо этиш, Орол денгизининг қуриган қисмида дарахт кўчатлари ўтқазиш каби лойиҳалар шулар жумласидандир. Президентлар жамғарма Ижроия қўмитасига Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ саъй-ҳаракатларнинг янги дастурини ишлаб чиқишни топширишга келишиб олдилар.

Бугун Орол инқирозининг даҳшатли оқибатлари ҳеч кимга сир эмас. Амударё дельтасининг ўзида кўллар майдонига оид кўрсаткич 26 минг гектарга тушиб қолган. Денгиз атрофида юзлаб километрларга чанг ва туз тарқалмоқда. Шўрхок ерлар майдони кенгайиб, бу борадаги кўрсаткич 85 минг гектардан 273 минг гектарга кўтарилди. Қамишзор ва тўқайлар майдони эса, аксинча, 20-25 баробар қисқарди. Дарёларда сув камайиши ичимлик суви таъминотида муаммолар келтириб чиқарди, денгиз қуриши эса унинг атрофида иқлим ўзгаришларига олиб келди.

Президентлар Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш, бу ҳудудда бажарилиши зарур бўлган долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифалар, сувдан тежамли фойдаланиш технологиялари ҳамда сув ва ўрмон мелиорацияси соҳаларида ҳамкорлик билан боғлиқ ва ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикрлашдилар.

Президентлар сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотлари барпо этиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Айни пайтда, трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатлар янги ГЭСлар қуриш ниятида экани яхши маълум. Бундай ҳаракатлар трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмидаги давлатларга жиддий зиён етказиб, минтақадаги мураккаб экологик аҳвол янада ёмонлашишига олиб келади. Марказий Осиё фаол сейсмик зона эканини ҳисобга олсак, тўғонларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳам юзага чиқади.

Шундай экан, трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншооти қуриш учун барча қўшни давлатлар билан бамаслаҳат иш тутиш, халқаро экспертларнинг мустақил экспертизасини ташкил қилиш, уларнинг тўғонлар хавфсизлиги кафолатлангани ва экологияга путур етмаслиги тўғрисидаги хулосасини олиш зарур.

Марказий Осиё давлатлари бу масалаларни ўзаро келишган ҳолда ечишга қодир. Сув-энергетика захираларидан фойдаланиш масаласи, айрим мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётгандек, ечими йўқ муаммо эмас. Бу борада маслаҳатлашувлар қизғин мунозара билан ўтиши мумкин. Лекин бу минтақа давлатлари ўзаро келиша олмайди, дегани эмас. Чунки Марказий Осиёдаги бирор давлатда муаммо юзага келса, минтақанинг бошқа мамлакатларига ҳам таъсир кўрсатиши барчага аён. Шу боис қўшни давлатлар бирбирининг барқарорлигидан манфаатдордир.


Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Олмаота — Тошкент


Архив


ЭРБЎТА ҚОЗИ



МЕҲРИБОН ЭНА



ТОШПЎЛАТ ЭРБЎТАЕВ (1899-1939)



ОРТИҚМАТ

Эрбўта қози оиласининг даҳшатли қисмати

Оққўрғон туманидаги Олимкент қишлоғи марказида кунчиқарга қараб қурилган масжид бор. У мамлакатимиз мустақиллиги арафасида маҳалла оқсоқолларининг саъй-ҳаракати ила жомеъ масжид мақомини олди. Унга Эрбўта қози номи берилди.

Ўқувчида Эрбўта қози ким, унинг бу масжидга нима дахли бор деган саволлар туғилиши табиий.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Туронқул ота Мавлонов Эрбўта қози шажарасини яхши биларкан. Унинг айтишича, Эрбўта қозининг 4 қизи (Қамбар, Бухолча, Адолат, Ҳанифа) ва бир ўғли (Тошпўлат) бўлган. Эрбўтанинг укаси Оқбўтанинг бир ўғил (Холиқул) ва бир қизи (Ибодат) бор эди.

— Эрбўта қози ниҳоятда адолатли ва халқпарвар инсон бўлган, — дейди 85 ёшли Ортиқбой ота Алимов. — Хотиним пискентлик бўлгани учун тез-тез шаҳарга борар, қори ва қариялар даврасида яхши гапларни эшитардим. Ҳозирги Пискент, Бўка, Оққўрғон туманлари ўтган асрнинг бошларида Тошкент вилоятининг волости (бошқармаси)га қарашли эди. Эрбўта қози волостда 40 йилдан ортиқ қозилик қилган.

Таниқли тарихчи олимлардан бири Ҳамдам Содиқов шундай дейди:

— 1917 йил март ойида — баҳорда Эрбўта қози 4 йилга қайта сайланган. Октябр инқилобидан кейин қозилик маҳкамаси тугатилгач, бисотидаги ерларнинг бир қисмини қариндош-уруғларига, қолган қисмини ихтиёрий равишда ҳукуматга топшириб, бойликларини камбағал-мискинларга тарқатиб, қамалишдан қутулиб қолади. Пискент шаҳридан Олимкентга — туғилиб ўсган қишлоғига кўчиб келади. Бу ерда унинг ички-ташқи ҳовли-жойи, боғлари бор эди. Шунингдек, бу ерда 1892 — 1893-йиллари қўқонлик усталар миллий услубда қурган икки хонали масжид бўлиб, у қозилик вазифасини тарк этгач, шу масжидда имомлик қилади.

Эрбўта қози ўз даврида дунёвий ва диний билимларни мукаммал эгаллаган. Шунинг учун Олимкент ва унинг атрофидаги қишлоқ ёшлари учун масжид ёнида мадраса қурдириб, аниқ фанларни ўқитиш ва диний билим беришни режалаштирган...

Расмий маълумотларга қараганда, 1937 — 1953-йиллари Ўзбекистонда фавқулодда суд органлари — «учлик» қарори билан 100 минг киши қатағон қилинган. Ана шулар орасида оққўрғонлик кўплаб беайб инсонлар ҳам бор эди. Ўзбекистон халқ комиссарлари советининг раиси бўлиб ишлаётган Султон Сегизбоевни «халқ душмани» деб ҳибсга олишади ва отишга ҳукм қилишади. Кўплаб оққўрғонликлар «сегизбоевчи» тамғаси билан қамоққа олина бошлайди. Шулардан бири Эрбўта қозининг ёлғиз ўғли Тошпўлат Эрбўтаев (ҳужжатларида Ирбутаев ёзилган — Т.М.) эди.

Тошпўлат турмуш ўртоғи Меҳрибон билан 12 фарзандли бўлади. Хўш, отасидан қолган ерда деҳқончилик қилиб, ҳосилини ҳукуматга етказиб берган бўлса ҳам у нега ҳибсга олиниб, қатағон қурбони бўлди?

«Тошпўлат Эрбўтаев, — дейилади маълумотнома (№ 10/1937, 13.06.2000)да, — 1938 йилнинг 17 июнида Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги давлат хавфсизлиги бошқармаси томонидан Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги турар-жойида ҳибсга олинган ва Ўзбекистон Жиноят кодексининг 58- (советлар ерига ҳарбий гуруҳларнинг қурол ишлатиб ёки зўравонлик билан кириши), 63- (зарар етказиш) ва 67- (контрреволюцион жамиятларга тайёргарликни уюштириш ҳаракатлари) моддалари билан жавобгарликка тортилган.

1939 йилнинг 16 августида Тошпўлат Эрбўтаев ҳибсдалигида Тошкент турмасида сил касаллигидан вафот этган (дафн қилинган ери иш материалларида кўрсатилмаган).

1940 йил 25 апрелда ИИХК Тошкент вилояти бошқармасининг қарори билан Тошпўлат Эрбўтаевнинг жиноий иши у ўлганлиги туфайли тўхтатилган.

1959 йил 1 мартда ЎзССР Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлиги қўмитасининг қарори билан Тошкент вилояти ИИХК бошқармасининг 1940 йил 25 апрелдаги Тошпўлат Эрбўтаев вафот этганлиги туфайли жиноят иши тўхтатилиши ҳақидаги қарори бекор қилинади. Асос: II-23438-рақамли жиноий иш».

— Тошпўлат аканинг сил бўлиб ўлганига ишонмайман, — дейди «сегизбоевчи» тамғаси билан узоқ муддат қамалиб чиққан Намозбой Ҳамроевнинг ўғли, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 96 ёшли Абдаким Намозбоев. — Биласизми, оққўрғонлик «сегизбоевчи»ларнинг суди 6 ойга чўзилиб кетди. Уларнинг охирги суди бўладиган куни Тошкентга бордим. Ёпиқ машинада маҳбусларни олиб келишди. Не кўз билан кўрайки, елкадор, отасига ўхшаш полвонсифат Тошпўлат ака кекса одамдай қадди букилиб, юришга ҳам мадори қолмаганди. Икки миршаб икки қўлидан ушлаб, нуқиб-нуқиб суд залига олиб кириб кетишди.

Энг ачинарли жойи шундаки, маълумотномада қайд этилишича, ўзига қўйилган учта айбнинг бирортасини тан олмаган. Натижада, маҳбус қийноқлар билан ўлдирилиб, ўлимидан сўнг сил ташхиси қўйилган бўлса ажабмас.

Отамерос далада деҳқончилик қилиб юрган Тошпўлатнинг аввалига «бойнинг боласи», кейинчалик «халқ душмани» деб ҳибсга олиниши хотини Меҳрибоннинг бошига қора булутларни ёғдирди, оиласини чилпарчин қилиб юборди. Қайси эшикка нажот сўраб борса, «халқ душманининг хотинисан» деб очиқдан-очиқ юзига соладиган бўлишди. Ҳатто, энг яқин қариндошлари ҳам ундан қочадиган бўлишди. Ёрдам беришса, ўзлари ҳам қамалишдан (шундай воқеалар ҳам бор — Т.М.) қўрқиб қолишганди.

Отадан ўғилга қолдирилган ер, мол-мулк, уй-жойлар мусодара қилинди. Нақшинкор ва рангли бўёқли бинолар буздирилиб колхозга магазин ва чойхона қурилган бўлса, катта-катта хоналар мактаб ихтиёрига ўтказилди.

1935 — 1936-йиллари Олимкент шаҳарчасида янги мактаб фойдаланишга топширилгач, ўқувчилар қозибобо қароргоҳидан янги мактабга кўчирилди.

Мафкуравий зуғумдан қўрққан маҳаллий раҳбарлар Олимкентдаги катта-кичик масжидларни буздириб ташлади. Эрбўта қози масжидига навбат келганида Қозитўп маҳалласидаги Абил ота, Ҳамдам бобо, Райимхўжа эшон ва бошқа қариялар тўпланиб: «Бу райондаги энг эски масжид бўлиб, Москвада алоҳида рўйхатда туради. Агар кимлар бузишга қўл урса, биз ўшалар устидан юқорига арз қиламиз», — деб қаттиқ қаршилик кўрсатишган. Ноилож раҳбарлар масжидни омборхонага айлантиришган. Уруш ва ундан кейинги йилларда бу масжидда колхозларнинг буғдойлари сақланган.

Тошпўлат Эрбўтаев оиласини «халқ душманининг фарзандлари» деб қишлоқдан четлатишга қарор қилинди.

Бузмай ташлаб кетилган чайлада кузнинг изғирини, қишнинг қаттиқ совуғи норасида болаларни домига ола бошлади. Турли касалликка чалинган болалар ҳаётдан кўз юмди. Қишлоқнинг катта-кичиги уёкда турсин, ҳатто, қози авлодлари ҳам жанозага боришга ҳайиқди. Негаки, бу оила алоҳида кузатувга олинган эди.

Бир куни саҳарда бир ўғли жон таслим қилади. Саросимага тушган она бўтадай бўзлаб қишлоққа югуради. Қўшниси уста Аширматнинг уйига йиғлаганча кириб келади. Устани кўриши билан салом-алик ўрнига «Боламнинг жанозаси...» дейди кўзлари жиққа ёшга тўлиб.

— Болангизнинг жанозасини бизнинг ҳовлимизда ўқиймиз, ўзимиз жойига қўямиз, — дейди Аширмат ака. — Ким нима деса деяверсин...

Тасодифни қарангки, ўғлининг жанозасини ўқиб қабрга қўйиб келгунча, чайлада касал ётган яна бир фарзандинг жони узилади. Бундай пайтда кетмакет болаларидан жудо бўлаётган онаизорнинг ҳоли не кечганини тасаввур қилиш жуда қийин.

Хуллас, тушдан кейин Аширмат ака иккинчи марҳумга жаноза ўқитиб, мозорга олиб кетади. Қисқа вақт ичида шўрлик она 10 та боласидан айрилади.

Бахтига катта қизи Шафоат ва ўғли Ортиқмат омон қолади.

Кунларнинг бирида маҳалладоши Набихондан қизининг қўлини сўраб совчилар келишади ва мўъжазгина тўй қилинади.

Инсон бошига ташвиш тушса, қўша-қўша тушаверар экан.

1939 — 1940-йиллари Меҳрибон билан ўғли Ортиқмат Олимкентдан «Оққўрғон» (собиқ «Сталин-16») совхозига бадарға қилинади. Уддабурон, ташкилотчи Ортиқмат пахтачилик бригадасида ҳам сувчи, ҳам табелчилик қилиб, тезда эл оғзига тушади.

Улар 1940 йилнинг кузида яна Олимкентга кўчиб келади. Қишлоқда одамларнинг тикув машиналарини тузатиб юрадиган рус кишининг уйини сотиб олади. Она-бола келаси йилнинг баҳоридан «VIII қурултой» колхозига кириб ишлай бошлайди.

1941 йил июн ойида Ўзбекистон радиосидан уруш бошлангани ҳақида хабар берилганда Ортиқмат Тошпўлатов маҳалладоши, тенгқури Қурбон Абилов ва бошқалар билан биргаликда ўз ихтиёри билан урушга кетади ва ҳалок бўлади.

«Отасининг ноҳақ қамалганига ор қилиб қишлоқдаги тенгдошлари билан урушга кетиб қолди. Ўлиги у ёқларда қолиб кетди. Мен куймай ким куйсин? Ичим ёниб-ёниб кетаяпти-ку. Туриб-туриб тутуним осмонга чиқиб кетади-да, аввал сизларникига, кейин қўни-қўшниникига чиқиб ўзимни бироз овунтираман».

Момо баъзан онамнинг ёнида шу сўзларни айтиб йиғларди.

Мен онамни саволга тутардим: «Момом нега бизникига келса, ҳадеб йиғлайверади, йиғлайверади?».

— Э, болам, — дея гап бошларди онам. — Момонгнинг жони тошдан қаттиқ экан, бошига тушган кўргуликларга чидаб, дард-аламларини ичига ютиб келаяпти. Бундан бошқа аёл бўлганида аллақачон адойитамом бўларди.

Ҳа, кулфат, ғам-андуҳ, охири, инсонга таъсирини кўрсатмай қолмас экан. Оила устуни Тошпўлат Эрбўтаевнинг айбсиз қатағон қурбони бўлиши, ўғли Ортиқматнинг урушда шаҳид кетиши, боз устига, ўн икки фарзанднинг орзу-ҳавасини кўриш ўрнига ўн биттасини ерга бериши Меҳрибон момонинг қаддини букиб, сочларини қордек оқартириб юборди.

1980 йили Қозитўп маҳалласининг севимли энажони — Меҳрибон момо 80 ёшида вафот этди.

Рус ҳукумати, сўнгра шўро даврида ота, ўғил ва набира, хуллас, бир улкан оила шундай қилиб тириклик варағидан ноҳақ ўчиб кетди. Улар жисмонан ҳалок бўлган эса-да, хотираси биз учун ҳамиша азиз бўлиб қолаверади.

Адолат юзага чиқиб, биз ҳикоя қилган Эрбўта қозининг номи тикланди. 1991 йили Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Олимкент қишлоғидаги Эрбўта қози масжиди Ўзбекистон мусулмонлар идораси ва Адлия вазирлигида рўйхатга олиниб, жомеъ масжид мақоми берилди.

Мақсадимиз, қишлоқнинг кўрки бўлган, қози бободан мерос қолган масжидни янада обод қилиб, келажак авлодга қолдириш. Шу ниятда масжидга 2-3 гектар ер сўраб «Аччи» фуқаролар йиғинига, туман ҳокимиятига ариза билан мурожаат қилдик. Яна бир гап: кўчамиз Эрбўта қози номи билан аталса, айни муддао бўларди.

Тиллабек МИРЗААҲМЕДОВ,
меҳнат фахрийси
Оққўрғон тумани

Долзарб мавзу

Ноёб хазина

Тиббий меъёрларга кўра, ҳар бир киши йил давомида 10-12 килограмм балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши керак. Айнан шунинг учун ҳам соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги «Балиқчилик тармоғида монополия дан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа тараққиётига кенг йўл очиб берди. Хусусан, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурида шаҳар, туманларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, балиқ захираларининг кўпайиши ҳамда дастурхонимизнинг ана шундай тансиқ таомлар билан тўкин бўлишини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Табиатнинг бу ноёб жонивори сувда яшаб, сувда кўпаяди ва сувда маҳсулот беради. Талимаржон сунъий денгизидаги 6900 гектарли ҳавза ижара шартномасига мувофиқ, тўртта балиқчилик хўжалигига бўлиб берилган.

Отақул Жонқулов раҳбарлик қилаётган «Қашқадарё» масъулияти чекланган жамияти ҳисобида 2000 гектар об-ҳаёт маскани бор. Ҳавзанинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида питомликларда тайёрланган чавоқлар ташланди. Балиқнинг сазан (карп), оқ амур, дўнг пешона каби турларини кўпайтириш чоралари кўриляпти.

Ҳар бири 2000 гектарга яқин сувли майдонни ташкил этадиган Ҳасан Хидиров ва Насиба Султонова бошлиқ «Нишон» ҳамда «Талимаржон» хўжаликлари, ҳудуди минг гектарли Рустам Қодиров раҳбар бўлган «Қадимий Насаф» хусусий корхонаси жамоалари ҳам истеъмолчиларга катта миқдорда балиқ етиштириб беряпти.

— Балиқ етиштиришнинг агротехнологияси га қатъий риоя қилиш даркор, — дейди Нишон туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Холмурод Кўчаров. — Урчитиш мавсумида мавжуд ҳавзалар 8625 килограмм балиқ чавоқлари билан таъминланди. Йил давомида туман бўйича 28 тонна балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилган, холос. Бу жуда оз, албатта.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси масъул ходимлари томонидан ўтказилган рейдларда айрим шахслар «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунни, Адлия вазирлиги тасдиқлаган «Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари» талабларини бузганликлари аниқланди.

Парҳез таом — балиққа ҳар доим талаб юқори бўлган. Туманда бир йилда 300 тонна балиқ етиштириш имконияти бор. Шунинг учун ҳам З.Қиёмовга қарашли «Соф ҳавзалар» масъулияти чекланган жамиятида 15 миллион 600 минг донадан ортиқ «дўнг пешона», «оқ амур» ва «карп» балиқлари парваришланмоқда.

«Наврўз» масъулияти чекланган жамияти балиқчиларининг нияти ҳам улуғ. Жорий йилда ҳар иккала жамоада 100 тонна балиқ етиштириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, «Наврўз» фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Тошмурод ота» фермер хўжалиги 2 гектар, тадбиркор С. Назаровга қарашли «Жайхун саховати» савдо ишлаб чиқариш корхонаси 24 гектар, С. Бойматов раҳбарлигидаги «Соф денгиз» хусусий корхонаси 20 гектарли сувли майдонда лукмаи ҳалол етиштиришмоқда.

Аҳолининг парҳез маҳсулотига бўлган талабини қондириш, бозорларда унинг нархини арзонлаштириш чоралари белгиланган. Ана шу тадбирларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда.

И. ИСОМИДДИНОВ

Ўтган йили Андижон вилоятида балиқчилик йўналишида 33 та фермер хўжалиги ва «Андижонбалиқ» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 461 гектар ҳовуз майдонларида 2007 тонна балиқ етиштирилди.



Маҳсулотга талаб қондирилади

Хўш, бу кўрсаткичлар аҳоли истеъмолини тўлиқ қоплай оладими? Бу соҳани ривожлантириш борасида яна қандай ишлар амалга оширилиши лозим?

Яқинда вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ушбу масалалар юзасидан режа ишлаб чиқилиб, «Норин-Қорадарё» ҳавзаларида яна 6 та балиқчилик хўжалиги тузилди. Ушбу мақсадлар йўлида «Андижонбалиқ» корхонасида 600 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, йил давомида 500 тонна балиқ эл дастурхонига арзонлаштирилган нархларда етказиб бериш вазифаси белгиланди.

Ушбу маҳсулотни етиштиришда белгиланган режалар амалга ошса, эл дастурхони янада тўкин бўлади. Энг муҳими, аҳолининг балиққа бўлган талаб-эҳтиёжи тўла қондирилади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири



Нафс бандалари

Қадимдан ота-боболаримиз балиқни луқмаи ҳалол деб эъзозлашган. Ҳозир мамлакатимизда унинг 80 дан ортиқ тури учраса, шундан Орол баҳриси, Орол сулаймони, Сирдарё куракбуруни, Амударё кичик куракбуруни, Амударё катта куракбуруни каби 18 хили «Қизил китоб»га киритилган.

Балиқларни урчиш мавсумида овлаш қатъиян таъқиқланади. Бу даврда улар чуқурлик ва қамишзорларни тарк этиб, сувнинг тоза ва юза қисмига кўтарилади. Айрим браконерлар айнан шундай пайтдан фойдаланиб, электр «қармоқлари»ни ишга солиб, табиатнинг беозор жонзотларига қирон келтиради.

Бутун республикамизда бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг **«Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга жиддий аҳамият** берилаяпти.

Балиқ овлашнинг ўз қонун-қоидалари бор. Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг буйруғига мувофиқ, урчиш жараёнида балиқ овлаш таъқиқланади. Бироқ Миришкор туманидаги балиқчиликка ихтисослашган «Баҳористон» балиқчилик фермер хўжалиги раҳбари Бобожон Рўзиқулов ходимлари билан Сечанкўл сув ҳавзасининг ўзига тегишли бўлмаган қисмида ноқонуний балиқ овлаш билан шуғулланиб келган. У «Хўжамберди» балиқчилик фермасида ишлаб келаётган Бебут Бозоров билан тил бириктириб, қинғир ишларга қўл урди. Асли Бухоро вилоятининг Олот туманидан бўлган Б.Бозоров ҳамюрти Комил Пиримқуловни ўзига шерик қилиб олган.

Уч оғайни Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган «Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари»нинг 35-бандини қўпол равишда бузиб, «Леска» сунъий тўрлари билан балиқ овлашган. Айни пайтда, давлатимизнинг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни талабларини ҳам бузиб келишган. Балиқларни «Леска» тўри билан овлаш жониворларни ялпи қириб юборадиган номақбул усул ҳисобланади.

Қинғир ишнинг қийиғи, албатта, чиқади. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари Сечанкўл томондан келаётган 20 J 3548 номерли «ВАЗ — 2106» автомашинасини тўхтатганида, Бебут Бозоровга тегишли автоулов юкхонасида ноқонуний овланган балиқ ва парранда лар, шунингдек, «Леска» тўрлари борлиги аниқланди. Маълум бўлишича, браконерлар мўмай даромад топиш мақсадида, ушбу тўрлар билан балиқ тутиб, корхона бошлиғи Б.Рўзиқуловга топширишган ва ўзларига 141 та вотла, 69 та судак ва 7 та селёдка балиқларини олиб қолишган.

Бундан ташқари, машина юкхонасидан 13 та сув товуғи, 15 та қизилбош ўрдак ва 11 та ёввойи ўрдак ҳам топилди. Нафс йўлида жиноятга қўл урган фуқаролар жиноят ишлари бўйича Миришкор туман судининг ҳукмига асосан, қилмишларига яраша жазоланди.

Давлатга етказилган 4 млн. 65 минг 66 сўм миқдоридаги зарар айбдорлардан солидар тартибда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фойдасига ундириладиган бўлди.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бионазорат инспекцияси инспекторлари Нишон туманида рейд ўтказганида, Жайрон қишлоғида яшовчи Дилмурод Авазов Талимаржон сув омборида таъқиқланган ов қуроллари билан балиқ тутганлиги аниқланди ва унга нисбатан ҳам қонуний чора кўрилди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири



Ёшлар бошқачароқми ёки?..



Совчилар иш хамирдан қил суғургандек осон битганидан хурсанд қайтишди. Бу ёқда йигит билан қиз бир-бирини жуда яхши кўришади. Икки эркак қуда ҳам ўқитувчи, аёл қудалар бозорда савдо-сотиқ қилишади. Ҳадемай тўй, уйнинг у-бу жойини таъмирлаб, пардоз қилиш керак.

— Мен пухта ишлайдиган усталарни топиб келаман, — деди ўғил.

— Мен ҳам қараб ўтирмай, ишлаган идорамга бораман, арзон баҳода қурилиш материаллари ажратишларини сўрайман, ахир шунча йиллик меҳнатимни ҳисобга олишар, — деди саксонлардан ошиб қолган бобо.

Идора раҳбари бобони яхши кутиб олди: «Ҳужжатларни тўғрилаб келаверинг, ҳамма сўраганларингизни ҳал қилиб берамиз», — деди. Отахон икки-уч кундаёқ зарур қоғозларни тўплади ва яна ўша идорага йўл олди. Борса, ҳаммаёқ жимжит, сочларини елкасига ёйиб олган котиба аллақандай журнални варақлаб ўтирарди. У отахонни кўрди-ю, нималардир деб пичирлади. «Тавба, биз катталарни кўрсак, дарров ўрнимиздан туриб салом берардик, ҳозирги ёшлар сал бошқача, манманроқми-ей...» оғриниб ўйлади чол.

Анча фурсат кутиб ўтиргач, қиздан секингина сўради:

— Бошлиқ келадими?

Қиз хушламайгина деди:

— Бугун шаҳарда мажлиси бор. Келса ҳам сизни қабул қилмайди.

— Нега?

— Қабул кунлари: душанба, сешанба.

— Мен ўша кунлари келувдим, қизим. Бошлиқнинг ўзи: «Қоғозларни тўғрилаб келаверинг», деганди.

— Нега тўппа-тўғри киравераркансиз? Унда мен бу ерда нима қилиб ўтирибман?

«Тавба, бобоси тенги одам билан гап талашади-я», — ўйлади отахон.

Буниси ҳали ҳолва экан...

Бир пайт бошлиқ келди. Котиба ўрнидан дик этиб турди. Бошлиқ ҳеч қаёққа қарамасдан хонасига кираркан, «битта чой дамланг» деб котибага буюрди. «Хўп, ҳозир», — деди қиз кўзларини пирпиратиб. У чойнакни кўтариб йўлакка чиқди. Худди шу пайт чол ўрнидан туриб ҳассасига суянди, сўнг бошлиқ томон секин борди.

— Тўхтанг!

Қўлида чойнак билан чопиб келган котиба отахоннинг йўлини тўсди. Унинг кўзлари олайиб кетган, лабларини қаттиқ қимтиб олган эди.

— Нега рухсат сўрамасдан ичкарига кирмоқчисиз?

— Қизим, бошлиғинг ҳозир мени кўрмай қолди, бўлмаса-ку аллақачон ичкарига бошлаб кирарди. Келаверинг, деб ўзи айтган.

— Йўқ, кирмайсиз. Бугун қабул куни эмас!

— Қизим, шундоқ кираману чиқаман...

— Э, қанақа тушунмаган одамсиз? Қани, бу ердан чиқинг! Мен сиз учун гап эшитаман ҳозир!

— Қоғозларим тайёр, ҳеч бўлмаса ўзинг бир кўрсатиб чиқсанг-чи, кутиб тураман.

— Йўқ деган сўзниям тушунмас экансиз. Қани, чиқинг, чиқинг!

Котиба отахоннинг елкасидан ушлаб худди итаргандек йўлакка бошлади.

— Қизим, мен...

— Уф-ф! Жонга тегдингиз-ку! Қайтиб келманг бу ерга! Қабул куни келгуси ҳафтанинг бошида, эшитдингизми?!

Отахон тушкун бир алпозда уйига қайтди. «Тавба, қиз болаям шунақа қўрс бўладими? Ишим битмади-я... Бу ёқда усталар бекор туриб қолишди. Эссиз...».

Кейинги ҳафтада отахон бошлиқнинг олдига кириш учун яна ўша котибага рўпара бўлди. У бир дугонаси билан берилиб гаплашиб ўтирарди.

— Бошлиғинг шу ердами, қизим?

— Ҳа. Кираверинг.

Отахон эшик тутқичига қўл узатаркан, котибанинг дугонасига секин айтган гапини эшитиб қолди.

— Исқирт чол!

Шу бир оғиз сўз чолнинг юрагини ўқдек тешиб ўтди. У хушмуомала бошлиқдан яхши сўзлар эшитиб, ишини тўғрилаб, уй томон жадал бораркан, набираси қатори бир қиздан ҳақорат эшитганига асло чидолмасди. «Бунақа қизларни қандай ота-она тарбия қиларкан-а, шунақа қиз уйингга келин бўлиб қолса... Астағфурулло!».

Тўй тараддуди тезлашди. Ўша кунлари отахон набирасини ёнига чақирди.

— Бир-икки маҳалла нарида Содиқ буванг бор, у билан урушда бирга жанг қилганмиз. Уни тўйга ўзим айтиб келмоқчиман, мен билан юр.

Иккиси йўлга тушишди. Ишни битказиб кечга томон қайтишди. Автобус кутиб бекатда бироз туриб қолдилар. Ниҳоят, автобус келиб отахон набирасини излаб қолди. Қараса, йигит сал нарида бир қиз билан сўзлашиб турибди.

— Собиржон, болам, кетайлик...

Шу пайт ҳалиги қиз отахон томонга ялт этиб қаради. Чол уни кўрди-ю, «Во дариғ!» деб юборди. Бу ўша... уни йўлакка итариб чиқарган, бу ҳам етмагандай «исқирт», деб ҳақоратлаган қиз эди! Қиз ҳам чолни таниди шекилли, безовталаниб қолди. Сўнг йигитга «хайр» деди-да, тез жўнаб қолди. Набираси жилмайиб ёнига келди:

— Бобожон, бу қиз ҳалиги...

бўлғуси келинингиз!

— А? Йўғ-е?

Бобо бир қалқиб кетгандай бўлди. Кейин ўйланиб қолди. Сўнг шошиб сўради:

— Қаерда ишлайди?

— Сиз бир неча марта қатнаган идорада котибалик қилади. Тағин уялиб юрмасин, деб ўшанда боришингизни унга айтмовдим.

— Ҳим, шунақа де...

Ўша куни кечга бориб бобонинг мазаси қочди. У ичичида ўзи билан ўзи олишарди. Қизнинг бадфеъл эканини уйдагиларга айтай деса, тўйга яқин қолди. Айтмай деса... Кейин пушаймон қилиб қолмасмикан? Йўқ, ўша тарбиясиз қизнинг бу хонадонга келишини истамайди, ахир у шу феъли билан набирасини бахтли қила олармиди? Бунга ишониш қийин.

Хуллас, тўй қолдирилди. У ёқда эса қиз ўз бахтини бой берганидан қаттиқ пушаймон эди. Тўйнинг қолдирилганидан қизнинг ота-онаси ҳам афсусда, улар бор гапни эшитишган, айбни кимга ағдаришни билмай, бир-бирлари билан гап талашардилар.

— Ўқитувчилик қилиб, кўп болаларга тарбия бердингизу, ўз қизингизни йўлга сололмадингиз, ёлғизим деб эркалатдингиз, — деди она юм-юм йиғлаб.

— Қиз боланинг тарбиясига она жавобгар, сен бозорма-бозор юравердинг, бу қиз уйдами, кўчадами, қизиқмадинг, мана оқибати! — дерди заҳархандалик билан ота.

Қиз эса ичкарида ҳамма гапни эшитиб ўтирар, юраги тобора изтиробга тўлиб борарди. У бахтини бой берганига ота-онасиними, ўзиними ёки анави чолними айблай олмай аросатда қолган эди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Яланган тоғлар

Тоғлар узоқ-узоқлардан қараганда баланд, ҳайбатли бўлиб кўринади. Айниқса, улардаги улкан қоялар, катта-кичик харсанглар ва улар оралаб ўсган ёввойи бодомлар кишига ўзгача завқ бағишлайди. Афсуски, табиатни, ундаги ҳар бир гиёҳни асрашимиз зарур бўлиб турган бир пайтда айрим кимсалар ўз манфаати йўлида, ҳатто, ўша тоғларга ҳам чанг солмоқда. Тошларни ўпириб уй қуришмоқда, бодом ва дов-дарахтларни кесиб, ўтин қилишмоқда. Буни тоғлар, қир-адирлар қўйнида жойлашган Нуробод туманидаги Жом қишлоғи мисолида кўришимиз мумкин.



Аёвсиз кесилиши оқибатида ҳозир бодомлардан асар ҳам қолмаган, тошлари қўпориб олинавериб, ўйдим-чуқур бўлиб кетган тоғлар арралангандек мунғайиб турибди. Эндиликда, қишлоқдан бироз олисроқдаги баланд тоғларга эътиборсизлик туфайли «ҳужум» бошланган. Тоғдан тош ўпириб ёхуд ёввойи бодомларни кесиб, ҳар машинасини 30-40 минг сўмдан пуллаётган ўнлаб «тошчилар»нинг ошиғи олчи, мушугини «пишт» дейдиган одам йўқ. Ҳар бири тоғни урса, талқон қилгудек кучга эга бундай кимсалар ҳатто, ҳудудларни бўлиб олишган. Харидор буюртмасига қараб ўпириб, машинага ортади, устига камида ўн туп ёввойи бодом ҳам жойлайди ва... пулини санаб олаверади.

Ҳар нарсанинг ҳисоби бўлгани каби тоғдаги тошлар камайиб бормоқда, энг ачинарлиси, минглаб ёввойи бодомлар кесилиб кетаяпти. Бундан ташқари, қишлоқдаги яна бир муаммо кишини ўйга толдиради. Жомликлар азал-азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келади. Ҳудуддаги кенг яйлов ва қир-адирларда қўй-қўзиларини боқади, кўпайтиради.

Кейинги пайтда айрим «чаққонлар» мана шу яйловлару адирларни ҳам бўлиб олмоқда. Ҳеч қандай қонуний рухсати бўлмаса-да, ўз ихтиёрича каттакатта майдонларни симтўр ёки чим билан ўраб, ернинг эгасига айланишмоқда.

Мазкур масалага аниқлик киритиш мақсадида, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Нормамат Қўйлиев билан боғланганимизда, у ҳақиқатан ҳам қишлоқ ҳудудидаги ўша яйловларни эгаллаб олганларнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳеч қанақа ҳужжати йўқлиги, бу ерлардан улар вақтинчалик фойдаланиб турганини таъкидлади.

Чўпонлар эса қир-адирларни ўраб олиш шу тариқа давом этса, яқин йиллар ичида чорвани боқадиган жой қолмаслигидан ташвишда.

Хўш, бу ўзбошимчаликларга чек қўйилмаса, айрим нафси ҳакалак отганлар 10 гектарлаб майдонни ўзиники қилиб олаверса, аввалдан чорвачилик билан шуғулланиб келган одамларнинг турмуши қандай кечади, улар қўй-қўзиларини қаерда боқишади?

Наҳотки, бу бедодликларга барҳам берадиган, ноқонуний фаолиятга чек қўядиган мутасадди ташкилотлар, маҳалла оқсоқоллари ҳам аҳволни кўра-била туриб бефарқ бўлишса?..

Раимқул СУЯРОВ

Сўраган эдингиз...

Муштарий билан учрашув нашрнинг ўқишли бўлишига туртки бўлади. Таҳририятимиз ходимларидан бир гуруҳи яқинда паркентлик газетхонлар билан мулоқотда бўлиб қайтишди. Тадбир давомида бир қатор ҳуқуқий саволлар берилди. Уларнинг айримларига шу ернинг ўзида жавоб қайтарилди, бир нечтаси тегишли идораларга жўнатилди. Бир қисмига эса саҳифа орқали жавоб қайтаришни лозим топдик.

Мен бу йил 34 йиллик стаж билан 55 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқмоқчи эдим. Лекин болалар ижодиёти уйидаги фаолиятим педагогик стажга кирмаслигини айтишди. Шу тўғрими?

Б. АЗИЗБОЕВ,
7-мактаб ўқитувчиси



Ҳа. Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати мавжуд бўлиб, бунда сиз кўрсатган муассаса назарда тутилмаган.



Ҳомиладор аёлнинг туғруқ таътили учун тўланадиган пулни молия ёки бошқа ташкилот буйруғи билан тўламай қўйиш мумкинми? Ўриндошлик асосида ишлайдиган ҳомиладор аёл нафақани шу ердан ҳам олиши мумкинми?

Г. САМАРИДДИНОВА,
тиббиёт ходими

Саволда аниқ қайси ташкилот нима учун таътил пули тўлашни таъқиқлаганлиги маълум эмас. Лекин Меҳнат кодексининг 233-моддасига кўра, аёлларга туққунга қадар етмиш календар кун ва туққанидан кейин эллик олти календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.

Ҳомиладолик ва бола туққан аёлларга ҳомиладорлик ҳамда бола туғиш таътили пайтида нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 майда 1136-сон билан давлат рўйхатига олинган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом» билан белгиланган. Низомга кўра, агар аёл ҳомиладорлик бўйича таътил даврида ишдан бўшаб, шу давр мобайнида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа олган бўлса, бир марталик нафақа умумий асосларда берилади.

Бола ўлик туғилган ҳолларда нафақа тўланмайди.

Нафақа асосий иш жойидан берилади.

Шуни эслатиб ўтиш жоиз, бундай таътилларга чиққанларга қатор қўшимча кафолатлар берилган.


Маълумки, касаба уюшма бадали 1 фоизни ташкил қилади. Колежни битириб, олий таълимда ўқишни давом эттиролмасак ёки ишга кира олмасак, касаба уюшмалари томонидан ёрдам кўрсатиладими?

Ф. УМАРОВ,
талаба

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Уставига мувофиқ, Касаба уюшмалари маблағларидан амалдаги қонунлар доирасида Уставда белгиланган фаолиятларини таъминлаш учун фойдаланадилар ва уларни тасдиқланган бюджетларга биноан сарфлайдилар.


Касаба уюшмасининг бош вазифаси касаба уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишдан иборатдир. Фаолият йўналишлари Уставда аниқ белгилаб қўйилган.

Демак, касаба уюшмаси қонунда берилган ваколатлари доирасида ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилади.



Суғурта мажбурийми?

Б.ТОЛИПОВА,
тиббиёт ходими



Суғуртанинг ихтиёрий ҳамда мажбурий турлари бор. Суғурта муносабатлари қонун кучи билан вужудга келадиган, қонун ҳужжатларида рўйхати ва суғурта шарти белгиланган ҳолларда мажбурийдир. Ихтиёрий суғуртада эса суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида кўнгилли равишда шартлари келишилиб тузилган шартнома асосида вужудга келади.

Фуқаролик Кодексининг 914-моддасига мувофиқ, суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкий ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

Шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади.

Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкини ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда, суғурта мазкур кодекснинг 52- бобидаги қоидаларга мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт.

Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий суғуртаси) назарда тутилиши мумкин.

Корхоналарни тугатиш тартиби

Президентимизнинг 1999 йил 28 июнда қабул қилинган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатдир. Уни амалга ошириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда бундай корхоналарни тугатиш тартиби белгиланган. Жумладан, тугатилаётган корхоналарнинг маблағи ва мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, уларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича қарзлари Давлат солиқ қўмитаси тақдимномасига кўра ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси қарори билан ҳисобдан чиқарилади.

Давлат солиқ қўмитаси ва бюджетдан ташқари жамғармалар улар томонидан ҳисобдан чиқарилган қарз суммалари алоҳида ҳисобга олинишини таъминлайди.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича қарзлар пайдо бўлишига йўл қўйган корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан материаллар солиқ органлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан айбдорларни жавобгарликка тортиш ва давлатга етказилган моддий зарарни қоплаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилади.

Қонунчиликда белгиланган муддатда таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорда устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналар уни амалда шаклланган, лекин қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордан оз бўлмаган миқдоргача камайтириши ёки белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайта ташкил этилиши мумкин.

Корхоналар мазкур талабларни бажармаганда, қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилади.

П.ЭШОНХЎЖАЕВ,
А.АЛЛАХВЕРДИЕВ,
Шайхонтоҳур туман солиқ инспекцияси юридик шахсларни солиққа солиш бўлими ходимлари

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Ishonch TV ДАСТУРИ

4 -10 май

Душанба

«O'zbekiston»

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Узбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 ТВ - анонс.
07.10 ТелеТеатр: **«Парвона».**
07.50 «Олтин мерос».
08.00 «Таҳлилнома».
08.40 «Довюрак самурай». Т/с.
1961 — 1966-йилларда Н.Ангсатбоев ўзи орзу қилган институтда мусиқий драма актёрлиги бўйича таҳсил олди.

Қадрдон театрига қайтиб, севимли касбини давом эттирди. Ажойиб актёр эканлигини барчага намойиш қилишга улгурган Нажматдин ўзини режиссёрликда ҳам синаб кўришга қарор қилди. Шу ниятда Москвадаги олий режиссура курсида таҳсил олди. Таҳсил жараёнида Москвадаги Кичик театр бош режиссёри, уч карра давлат мукофоти совриндори Борис Равенскихнинг назарига тушди. Б.Ивековичнинг ҳар бир сўзини, мимикасини, ҳаракатини эътибордан четда қолдирмади.

Қизғин меҳнат эвазига устози билан бирга саҳналаштирган «Русские люди» (Константин Симонов асари) спектакли 1976 йили Кичик театрда муваффақиятли намойиш қилинди.

Устозининг илтимосига қарамасдан Нажматдин Қорақалпоғистонга қайтди. Истеъдодини она халқига бағишлашга аҳд қилган режиссёр бирин-кетин ажойиб спектакларни саҳналаштира бошлади.

1978 йилда Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри ташкил қилинди. Шу муносабат билан Н.Ангсатбоев театр бош режиссёри этиб тайинланди. Театрнинг биринчи пардаси у саҳналаштирган «Кечиккан баҳор» (Кенгесбой Раҳмонов асари) спектакли билан очилди. Кейинги йили режиссёр яна қадрдон театрига қайтди.

25 ёшида «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист», 31 ёшида «Ўзбекистон халқ артисти» унвонларига сазовор бўлган Нажматдин Ангсатбоев бир кам эллик йиллик фаолияти давомида 40 дан зиёд роллар яратди, 70 дан зиёд спектаклни саҳналаштирди. Унинг талқинидаги Навоий, Бердақ, Маъмун шоҳ, ошиқ Ғариб, Аёз, Яссавий, Кассио, Ақилбек ва бошқа образлар ўзига хослиги билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. С.Хўжаниёзовнинг «Суймаганга суйканма», Т.Сейтжоновнинг «Жалинли йиллар», «Абу Райҳон Беруний», К.Раҳмоновнинг «Яраланган юраклар», А.Абдуллиннинг «Ўн учинчи раис», Б.Жакиевнинг «Ота тақдири», С.Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони», А.Қаххорнинг «Тобутдан товуш» каби кўплаб асарларини саҳналаштириш орқали қорақалпоқ театр санъатининг юксалишига улуш қўшди.

— Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши менинг ижодимда ҳам туб бурилиш ясади, — дейди режиссёр. — Берилаётган имкониятдан тўла фойдаланишга ҳаракат қилаяпман. Жамоамиз билан бирга тарихий, миллий қадриятларимизни саҳнага олиб чиқаяпмиз. Ўзим А.Ориповнинг «Соҳибқирон», Бердақнинг «Адолатга хиёнат» асарларини саҳналаштирдим.

1999 йили режиссёр саҳналаштирган Б.Муқайнинг «Ҳаётдан тўйган тун» асари Ўзбек миллий академик драма театри саҳнасида томошабинлар ҳукмига ҳавола этилиб, юқори баҳога сазовор бўлди. У саҳналаштирган байрамлар, маданий анжуманлар савияси баландлиги, миллий қадриятларимиз мужассамлиги туфайли юртдошларимизга манзур бўлмоқда.

Нажматдин Ангсатбоев нафақат яхши режиссёр ва актёр, ажойиб раҳбар ҳам. 2001 йилдан буён Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқий театрига раҳбарлик қилади. 200 га яқин ходимларининг ҳар бири унинг эътиборида. Нажматдин оға севимли театри ҳақида фахр билан:

— Театримиз мамлакатимиздаги энг кекса маданият даргоҳларидан саналади. Ўтган даврда саҳналаштирилган 100 дан зиёд пьесалар халқимизнинг улкан маданий мероси сафидан жой олди. Бу ерда қанчадан-қанча улуғ санъаткорлар истеъдодини намоён қилишга муваффақ бўлмоқда, — дейди. — Бу йил 83-мавсумни бошладик. Яқинда К.Раҳмоновнинг «Ёр дийдори» драмасини саҳналаштирдик. Тез орада француз драматурги Марсел Герка Маринининг «Қимматга тушган муҳаббат» асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола қиламиз.

Нажматдин оға миллий қадриятларимиз тикланиши муносабати билан театр репертуарининг янги мавзулар билан бойитилаётганидан хурсандлигини қайта-қайта таъкидлади.

— Мухлисларимиз биздан ажойиб асарларни кутаверишсин, — дейди у киши. — Уларга совғаларимиз бисёр.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Адолат Полвонова Хивада туғилган. Болалигидан шеъриятга меҳри баланд. «Онажоним», «Юракдан тўкилган туйғулар» номли китоблари чоп этилган. Туркум шеърлари хонандалар томонидан қўшиқ қилиб куйланмоқда. Айни кунда у Хива педагогика коллежида фаолият кўрсатаяпти.

Инсон кетмасин

Азалий ҳақиқат яратган ҳақдир,
Учратар-айирар ҳар кимни тақдир,
Қиёмат кунида паноҳдир ахир
Не кетса кетсину, иймон кетмасин.

Оқибат очади кўнгил қулфини,
Муҳаббат боғлайди
ёрнинг зулфини,
Эсдан чиқармагин инсон урфини,
Сен сабаб зор йиғлаб,
инсон кетмасин.

Чин севги жой олсин
ҳар бир юракдан,
Буюк бахт яралсин олий тилакдан,
Юлдузлар ўчмасин
нурли фалакдан,
Келсину, ёнингдан
жонон кетмасин.

Одамнинг қалбида яшайди одам,
Кулфатга бошлайди нотўғри қадам,
Хаёлингда бўлсин икки дунё ҳам,
Бор бўлсин диёнат,
виждон кетмасин.

Гоҳ мағрур кўзга ҳам
келар томчи ёш,
Ҳаёт қаршисида эгилади бош,
Йўқотар ёшлигин
ҳар бир қаламқош,
Олтиндир ҳар лаҳза,
имкон кетмасин.

Интизор бу кўзлар, ҳар дам интизор,
Кимнинг қалби хумор,
кимники безор,
Адолат яшайди юраги бедор,
Кетмасин, шоири
даврон кетмасин.



Даволар қани?

Меҳрим тенгдир яхши-ёмонга,
Таъзимдаман еру осмонга,
Гоҳида лол қолдим инсонга,
Жонга жони фидолар қани?

Кимлар учун бекордир ҳижрон,
Оҳ-воҳ урар, лек ишқи ёлғон,
Ҳайрат ичра боқарман ҳар ён,
Мажнун каби шайдолар қани?

Сарвларнинг сирлари ошкор,
Маликалар муҳаббатга зор,
Гўзалларга кимлар бўлар ёр,
Тоҳир билан Зуҳролар қани?

Оҳу мисол сузилган кўзлар,
Бир хиёнат изидан бўзлар,
Наҳот, кучин йўқотди сўзлар,
Ўртадаги вафолар қани?

Кимдир шайтон сувларин ичар,
Ким бойлик деб оридан кечар,
Нолаларим оламни қучар,
Мен истаган дунёлар қани?

Юзлар олмиш қизил гулдан ранг,
Кимдир қилар қил устида жанг,
Гоҳ дилларни босиб қолмиш занг,
Дардлар бору, даволар қани?

Адолат дер: ҳали кўп сўзим,
Балки қолар дунёда изим,
Гоҳ куяман ўзимдан ўзим,
Қалбимдаги нидолар қани?

Адолат ПОЛВОНОВА



Миннатдорчилик

Яхшилар бор бўлсин!

Турмуш ўртоғим вафот этгач, ёлғиз қизим билан қолдим. Оилам ўта ночор аҳволда эди. Бизга ўхшаган оилаларга касаба уюшмалари ҳар йили имкон даражасида ёрдам кўрсатиб турарди. Айниқса, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили оиламиз учун ниҳоятда қувончли келди. Касаба уюшмалари ёрдами билан соғин сигирли бўлдим. Ҳозир сигирнинг сут-қатиғи бизга даромад келтирмоқда.

Мактуб орқали Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Д.Жаҳонгирова ва Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Юнусовга миннатдорчилик билдираман.

Фазилатой ЖЎРАЕВА,
2-гуруҳ ногирони

Бешариқ тумани Зарқайнар қишлоғи

Турмуш гўрраҳаларида

Ҳар куни университетга баъзан автобусда, гоҳида (икки оёқ бир этикка тиқилган пайтлар) таксида йўл оламан. Турфа одамлар, турфа тақдирлар. Ҳар ким манзили томон ошиқади.

Бир куни дарсга кечикмаслик учун такси тўхтатдим. Ҳайдовчи эллик ёшлардаги далли-ғулли, хушчақчақ одам экан, суҳбатлашиб кетдик.

— Ҳар куни ҳар хил одамларнинг хизматини қиламиз. Баҳоли қудрат пешона терим билан рўзғоримни тебратаяпман-да, ука! Дунё бир-бирига ўхшамайдиган одамларга тўла. Баъзилари билан маза қилиб суҳбатлашиб кетасан. Бундай пайтда манзилга қандай етганингни ҳам билмай қоласан. Айримлар биров арпасини хом ўргандай хўмрайиб олади. Балки қандайдир ташвиши бордир. Ҳа, майли, ким бўлса ҳам омадини берсин!

Манзил сари

Мен ҳам арпаси хом ўрилганлар сафига қўшилиб қолмаслик учун энди оғиз жуфтлаган эдим, йўл четида турган хушрўйгина жувон қўл кўтарди. Ҳайдовчи менга қаради. Олаверинг, дегандай бош иргадим. Жувон орқа ўриндиққа ўтирди. Ҳайдовчи олд ойнадан унга разм солар экан, сўраб қолди:

— Йиғладингизми, қизим? Нима бўлди?

Жувон ҳам тўлиб турган эканми, арзи ҳол қилишга тушди:

— Боягина бир машинага ўтиргандим. Ҳайдовчи безрайиб «ресторанга ҳайдайми, дала ҳовлигами?» дейди.

— Балки ҳазиллашгандир, — дедим мен.

— Қанийди ҳазил бўлса! Индамасам бирор овлоққа қараб йўл солишдан тоймайдиган. Тўхтатинг дедим-у, тушиб қолдим. Ахир унинг ҳам опа-сингиллари, қизи, аёли, ҳеч бўлмаса онаси бор-ку!

Шу гапни тугатар-тугатмас аёл йиғлаб юборди. Рўмолчаси жиққа ҳўл эди.

— Қизим, хафа бўлманг! Дунёда ҳар хил одам, тепада эса Худо бор. Ҳар ким қилмишига яраша жазосини олади.

Шу пайт ёнимиздан шитоб билан бир машина ўтиб кетди.

— Ана, ана шу машина эди! — деди аёл. Кейин пичирлади: — Худо жазонгни берсин!

Орадаги дилхираликни йўқотиш учун гапни бошқа ёққа бурдим. Кечагина газетадан ўқиб қолган латифани айтиб берар эканман, аёлнинг юзларига энган кулгуни кўрдим.

Анча йўл юриб қўйдик. Манзилга яқинлашар эканман, йўл четидаги дарахтга урилиб, пачоқланиб кетган машинага кўзим тушди. Не ҳолки, у ўша бизни қувиб ўтган улов эди...

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
ЎзМУ талабаси

Ибрат

Бой кампирнинг кўприги


Бева аёл қўшнисидан битта тухум сўраб олибди. Тухумни бошқа қўшнисиникига олиб чиқиб: «Товуғинг курк бўлибди, мана шу тухумни ҳам қўйиб, жўжа очириб бергин», — деб илтимос қилибди. Кунлар ўтиб, қўшни битта жўжани кампирга олиб чиқиб берибди. У жўжани меҳр билан боқибди, бахтига жўжа урғочи экан. Келгуси баҳорда шу товуқ тухумини тўплаб ўзи бостириб жўжа очирибди. Унинг товуғи йил сайин кўпайибди. Товуқ тухумини сотишдан олган даромади ҳисобига қишлоғидаги каналга мустаҳкам кўприк қурдирибди. Бу кўприкни халқ «Бой кампирнинг кўприги» деб атай бошлабди.

Бу ривоятни ҳозирги молиявий инқироз даврида турлича таҳлил этиш мумкин. Мамлакатимизда давлат томонидан иқтисодий инқирозни бартараф этиш чоралари кўрилиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳаллий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, кичик бизнес технологияларини 5-7 йилда янгилаб боришга қаратилган тадбирлар белгиланди. Бу вазифаларни ҳал этиш бўйича бир неча босқичли алоҳида дастур қабул қилиниб, махсус комиссиялар тузилди. Катта-кичик тадбиркорлар ҳам имконият даражасида ўз ишларини қайта кўриб чиқмоқда. Шулар қаторида маорифчи касаба уюшма етакчилари ҳам бор.

Мингбулоқ туманидаги 16-мактабнинг математика ўқитувчиси Умаров Эркинбой бир неча йилдан буён асалари боқар эди. Бу йил асалари уялари сонини 20 тадан 40 тага кўпайтирди, 2 та ўқитувчига янги асалари уялари етказиб берди. Бундан ташқари, у мевали дарахтларни пайванд усулида етиштиради.

Терак кўчати етиштириш бўйича 19-мактаб ўқитувчиси Аҳмадали Абдураҳмоновга етадигани туманда йўқ. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

А.БОЗОРОВ,
Мингбулоқ туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси раиси



— Мен ҳам чўпон бўламан.

Иззатулла ҲОЖИЕВ олган сурат

Оримиздаги одамлар

1937 йили Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳрида туғилиб, 1956 йилда ўрта мактабнинг 10-синфини тугатган Абдумуталлиб шифокор бўлиш орзусида ҳужжатларини Самарқанд тиббиёт институтига топширди. Пухта тайёргарлик кўргани учун ўқишга қабул қилинди. 1962 йили таҳсилни муваффақиятли тамомлади.

Шифокор оила

Меҳнат фаолиятини Марғилон ипак комбинати тиббий санитария бўлимида жарроҳ сифатида бошлади. Сўнг шу ерда поликлиника мудири, ТСБ бош врачининг ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозир Марғилон шаҳар марказий поликлиникаси жарроҳлик бўлимида меҳнат қилмоқда.

— Операция кунлари сокин, хушфеъл бўлишга ҳаракат қиламан. Чунки бу муваффақият гарови. Кейинги куни беморнинг очиқ чеҳрасини кўриб, ўзимни енгил ҳис этаман, — дейди 1-тоифали шифокор А.Ашуров.

У жонкуяр шифокор бўлиш билан бирга кўплаб ёшларга устоз ҳам. Қаюмжон Абдураҳимов, Адҳам Сирожиддинов каби шифокорлар шулар жумласидандир.

Абдумуталлиб ака «Йўрмадўз» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳурматга эга, доимо халқ хизматига шай туради. Касбини улуғлагани, ҳалол хизмати, фаоллиги учун кўп бор фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланган.

Турмуш ўртоғи Маъмурахон Ашурова ҳам невропатолог, ўғли Муроджон — травматолог, қизи Дилором — терапевт, кенжа ўғли Абдусаттор — кардиолог, келинлари Исторахон — терапевт, Дилфузахон — гинеколог, Ҳилолахон — невропатолог, невараси Моҳидил — фармацевт.

Абдумуталлиб ака 1997 йили пенсияга чиққан бўлишига қарамасдан ҳозирга қадар халқ саломатлигини сақлаш йўлида меҳнат қилмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ
Марғилон

Ёшлар овози

Ватаним

Бир томонинг гуллаган боғлар,
Бир тарафинг пурвиқор тоғлар.
Ўртасида тўлғанар дарё,
Ватан шундай гавҳар, бебаҳо.

Она замин — қутлуғ ошён,
Кўпиради томиримда қон,
Осмон қадар бағринг бепоён,
Сенга садқа танамдаги жон.

ГЎЗАЛ ВОҲАМ

Кокилингни шамоллар қучган,
Чиройингга бўлиб қолдим лол.
Ҳатто, сенинг ҳуснингга, ишон,
Мафтун бўлиб қолгуси ҳилол,
Гўзал воҳам — эй, Қашқадарё.

Тупроғингда топганман камол,
Тинчлигингни куйлагай дилим.
Кундан-кунга сен очиб жамол,
Кам бўлмагин меҳрли элим,
Гўзал воҳам — эй, Қашқадарё.

Соҳибқирон Темур юртисан,
Умидларим рўёби сенда.
Ўзбегимнинг ғурури, кўрки
Сарҳадларинг кўк қадар кенг-да,
Гўзал воҳам — эй, Қашқадарё!

Сайёра САТТОРОВА,
«Камолот» ЁИҲ қошидаги «Истеъдод гулшани» клуби аъзоси

Дил изҳори

Маърифатчилар

«Ishonch» газетасини ҳар гал қизиқиш билан ўқиймиз. Унда сайхунободлик муаллимлар ҳаётидан ҳам хабарлар берилади. Танаффус чоғида шуларни муҳокама қиларканмиз, нуфузли газетамизда бизнинг жамоа ҳақида ҳам гоҳ-гоҳ қизиқарли мақолаларни ўқиш истаги туғилди.

Қўлимга қалам олиб, жамоамиздаги аҳиллик ҳамда устоз-шогирдлик ҳақида ёзишни ният қилдим. Бундан 16 йил олдин ўқитувчи сифатида жамоага қўшилганимда баъзан тажрибасизлигим сезилиб қоларди. Ёшлар етакчиси, синф раҳбари бўлиш шунчаки иш эмаслигини ойлар ўтиши билан тушуна бошладим. Бу борада менга Дилбар Рўзиева, Бахтиёр Ҳамидов, Фароғат Раҳимова сингари устозлар тўғри йўл кўрсатишди. Биргина шундай ёндашувнинг ўзиёқ менга ишим ҳар томонлама эҳтиётқорлик, эътибор ва меҳр талаб этишини ўргатди. Устозим Малик Раҳимовдан таълим-тарбия жараёнида ўқувчи дунёқараши ва психологиясини ҳисобга олиш жуда муҳим эканлигини илғай олганман.

Жамоамизда 80 дан ортиқ ўқитувчи ёшларга давр талаби даражасида сабоқ беришдек масъулиятли вазифани шараф билан адо этаяпти. Мактабимиз ўтган йили таъмирланди. Кенг ва ёруғ хоналар фанлар бўйича дид билан безатилган. Дарсларга пухта тайёргарлик ва ранг-баранг кўргазмали қуроллар билан кириш анъанага айланган.

Ҳурматли таҳририят! Орамизда ўз касбининг устасига айланган фидойилар кўплаб топилади. Улар ҳақида кўпроқ очерк ва ҳикоялар битилса, яхши бўлар эди. Зеро, бундайлар эларо эъзозга лойиқ давримизнинг ҳақиқий қаҳрамонларидир.

Дилором ҲАМРОЕВА,
Сайхунобод туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №____

*Фамилиянгиз*_____
*Исмингиз*_____
*Отангизнинг исми*_____
*Туғилган йилингиз*_____
*Манзилингиз*_____
_____
*Иш(ўқиш) жойингиз*_____
_____
*Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?*_____
_____



Спорт миллатни улуғлайди

Кикбоксинг қироллари

ҒАЛАБА ТАРАФДОРИМИЗ

— Адҳам ака, яқинда пойтахтимизда кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Уни аввалгилари билан солиштирганда қандай хулосага келиш мумкин?

— Аввало, айтиш керакки, терма жамоага янги ўринбосарлар етишиб чиқаяпти. Тошкент шаҳри спортчилари кутилганидек умумжамоа ҳисобида устунлик қилди, лекин Қорақалпоғистон ҳамда Андижон, Тошкент, Сирдарё вилоятларининг кикбоксинг мактаби анча шаклланганини кўрдик. Миллий терма жамоанинг асосий таркибидан ўрин олган Алишер Абдуллаев, Муҳаммадали Тоштурғунов, Дилшод Содиқов, Элвира Давлетова, Шаҳноза Хўжаниёзова, Шаҳноза Низомова каби спортчилар ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди. Мадина Ашимова, Рисолат Азизова кумуш медал соҳиби бўлди. Айни пайтда терма жамоа аъзолари бутун эътиборни Таиландда шарқ яккакурашлари бўйича ўтадиган биринчи Осиё ўйинлари тайёргарлигига қаратган.

— Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси мутахассислари параллел равишда мамлакатимизда универсал жанг ҳамда Индонезия миллий спорт тури ҳисобланмиш пинчак-силатни ҳам ривожлантиришга ҳаракат қилаяпти. Шулар хусусида ҳам бироз тўхталсангиз...

— Хабарингиз бор, Сардор Тошхўжаев Осиё универсал жанг федерациясини ҳам бошқаради. Юртимизда спортнинг мазкур тури бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Спортчиларимиз дунё майдонларида оламшумул ғалабаларга эришмоқда. Жумладан, ўтган йили Россиянинг Калининград шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз Россиядан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Алишер Абдуллаев олтин, Нодира Қозоқова кумуш, Жамшид Қораев бронза медали соҳиби бўлди.

Пинчак-силатнинг юртимизга кириб келганига кўп бўлгани йўқ. Лекин у шарқ яккакурашлари бўйича ўтадиган Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган. Учтадан эрка ва аёл спортчини мазкур мусобақага тайёрлаяпмиз.

— Март ойида Эронда бир ҳафта давомида маҳаллий спортчи ва мураббийларга мастер-класс ўтказдингиз. Бу эса Жаҳон кикбоксинг федерациясининг ўзбек мураббийларига бўлган ишончидан далолат беради. Галдаги режалар қандай?

— Албатта, биринчи навбатда, Осиё ўйинларида ватан байроғини баланд кўтаришни ният қилганмиз. Кузда жаҳон чемпионати бўлиши керак. Россия, Украина, Австралия, АҚШ терма жамоалари асосий рақибимиз ҳисобланади. Халқаро турнирми, Осиё ёки жаҳон чемпионатими, фақат чиройли жанглар ва ғалаба тарафдоримиз.

ҒАЛАБАГА ИНТИЛАМИЗ

Кикбоксинг бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси устози Равшан Ғафуров спортчи сифатида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда ўтган халқаро турнирлар ғолиби бўлишга эришган. Бироқ унинг мураббийликдаги натижалари анча салмоқли...

У 1998 йилда кикбоксинг бўйича мураббийлик қила бошлаган. Бироз ўтиб «Олимпия умидлари» клубига асос солди. Бунда Республика кикбоксинг федерацияси ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг кўмаги катта бўлди. Филиал томонидан спортчиларга бокс қўлқоплари, ҳимоя воситалари совға қилинди.

Клуб аста-секин шаклланиб, 2003, 2004, 2005 йилларда ўтган мамлакат чемпионатида умумжамоа ҳисобида юқори ўринни қўлга киритгач, федерация раҳбарлари Равшан Ғафуровга ёшлар терма жамоасини ишониб топширишди.

«Олимпия умидлари»да камолга етган Нуриддин Долимов, Жамшид Абдураҳмонов, Асад Жўраев, Шаҳбоз Маҳмудов миллий терма жамоага қабул қилинган. Жаҳонгир Насриддинов, Сарвар Собиров, Фарҳод Эргашев каби ёшларнинг ҳам келажагидан умид катта.

Март ойида ўтган Ўзбекистон чемпионатида Шаҳбоз Маҳмудов, Абдулла Аҳматов, Ёдгор Ҳасанов, Сайёра Мирзаахмедова чемпион бўлган бўлса, 8 нафар спортчи совриндорлар сафидан жой олди.

— Равшан ака, ҳар бир мураббий шогирдининг ғолиб бўлишини истайди. Кикбоксингда ғалабанинг бош омили нима, ҳужумкорликми ёки ҳимояда ҳушёр туриш?

— Жанг давомида тўғри тактика танлай олишда гап кўп. Рақибнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини ўрганиб, спортчига кўрсатма берамиз. Кикбоксингда ақл, меҳнат, техника ва тактика, қарши ҳужум маҳорати мужассам бўлсагина, ғалаба қозонасиз.

— Ҳамма ҳам чемпион бўлмаслиги мумкин. Кикбоксинг сиз учун...

— Биринчи навбатда, ҳаётим мазмуни. Асосий, мақсадим — ёшларни спортга жалб қилиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш. Агар истеъдоди бўлса, марҳамат, профессионал спортда омадини синаб кўриб, клуби, шаҳри, ватани шарафини ҳимоя қилсин.

Кузда Тошкентда кикбоксинг бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида қитъа чемпионати ўтказилиши режалаштирилган.

Ушбу нуфузли мусобақада, ўйлайманки, спортчиларимиз муносиб қатнашадилар.

ЯНГИ ЗАФАРЛАР

«Олимпия умидлари» клуби аъзоси Шаҳбоз Маҳмудовнинг интилиши таҳсинга лойиқ. 2004 йили республика биринчилигида ғолиб чиққан спортчи ёши улғайган сари катталар ўртасида ҳам олтин медал соҳиби бўлишни орзу қиларди. Бу осон эмас. Рақобат кучли. Бунинг устига 2008 йили олинган жароҳат уни бироз муддат машғулотлардан йироқлашишга мажбур қилди.

Ниҳоят, Шаҳбоз 2009 йилги чемпионатда мақсадига эришди. 75 кг. вазн тоифасида, лоу-контакт йўналишида барча рақибларини енгди. Финалда андижонлик рақибини нокаутга учратди.

У сал олдин «Жар» спорт мажмуасида К-1 йўналиши бўйича ўтган мусобақада ҳам ғолиб чиққанди.

Тошкентда ўтадиган Осиё чемпионатида ҳам у мухлисларини хурсанд этар?..

Акмал АБДИЕВ

Сардор Тошхўжаев раҳбарлигидаги Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси дунёнинг энг намунали федерациялари қаторига киради. Спортчиларимиз жаҳон ва Осиё чемпионатларида ғалаба қозонишмоқда, шунингдек, ўзбек мутахассислари қатор давлатлардаги семинарларда иштирок этишаяпти. Биз кикбоксинг бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Адҳам Рашидов ва ёшлар термаси устози Равшан Ғафуров билан суҳбатлашдик.





Муай-тай

Кескин баҳслар

Қашқадарёда Шарқ якка кураши сирларини қизиқиш билан ўрганаётган ёшлар сафи кўпайиб бормоқда. Қарши Олимпия захиралари коллежида спортнинг муай-тай тури бўйича бўлиб ўтган мусобақада икки юздан ортиқ ёш қатнашди.

1997-2001 йилда туғилган ёшлар ўртасида Акбар Нуруллаев, Олим Нормуродов, Акбар Шеров, Шерзод Мейлибоев, Самар Шомаматов, Исом Наврўзов, Жаҳонгир Мансуров, Шаҳзод Маҳмудов ўз вазнларида ғолибликни қўлга киритишди. 14-17 ёшли ўсмирлар орасида эса Қарши Олимпия захиралари коллежидан Аббос Турсунов, «Локомотив» жамоасидан Шаҳзод Маҳмудов, Сардор Сатторов, «Дилмурод» жамоасидан Азамат Ҳусанов вилоят чемпиони деган шарафга сазовор бўлишди.

Ўз мухбиримиз



Касаба уюшма спорти

Қизиқарли беллашув


Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вилояти вакиллиги Жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда Денов туманининг Кукабулоқ қишлоғидаги «Чашма» болалар оромгоҳида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб «Саломатлик» спартакиадасини ўтказди. Унда тизимдаги ташкилот, корхона ва муассасаларда фаолият юритаётган 200 нафар меҳнаткаш спортнинг 5 тури бўйича беллашди.

Оромгоҳда спортчилар учун барча шароит яратилди. Гўзал табиат оғушида кечган спартакиада иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Нуриддин ОСТАНАҚУЛОВ,
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вилояти вакили

Цистит жонга тегди-ку!

Яқинда Чорсу бозорида «Цистит касаллигини биласизми?» деган савол билан 40 нафар аёлга мурожаат қилдик. Шундан 29 аёл билмаймиз, биринчи эшитишимиз дейишди. Бу яхши эмас. Маълумотларга қарағанда, АҚШда ҳар йили бу касаллик 6 миллионгача одамда кузатилади, Россияда ҳам шундай аҳвол. Лекин Марказий Осиёдаги менталитет, шарқона уятчанлик сабаб аёллар касалликка чалинса ҳам шифокорга мурожаат қилишмайди. Кўпинча, ўз муаммолари ҳақида яқин ўртоқларидан маслаҳат сўрашади. Бу эса саломатлик учун хавф туғдиради.



Касаллик жинсга боғлиқ

Цистит (сийдик пуфагининг шамоллаши) эркакларга нисбатан аёлларда 10 баробар кўп учрайди. Бунинг асосий сабаби, тана тузилишидаги фарқдир.

Хасталик совуқда узоқ қолиб кетиш туфайли пайдо бўлади. Бундай ҳолат кундалик ҳаётда кўп учрайди.

Совуқ жойда ўтириш ҳам касалликка олиб келади. Айниқса, футбол ишқибозларида бундай касаллик кўп, кузатилади. Негаки, 2-2,5 соат муздек ўриндиқда ўтириш қовуқнинг шамоллашига сабаб бўлади.

Совуқ кунда енгил-елпи кийинган ёш йигитлар, қорнини очиб юрадиган лобар қизларимиз жуда кўп. Буни ёшлар модага, «замонавийликка» йўйишади. Лекин бу циститга олиб келишини билишмайди.

Чўмилиш — саратонда жоннинг роҳати. Лекин бу билан камдан-кам шуғулланадиган эркакларимиз бор, Йилда бир марта, улфатлари билан маст ҳолатда муздек анҳорга бориб ярим кун чўмиладилар. Бундай ҳолатда ярим кун ҳўл иштонда юриб, зах жойда ётишнинг ўзи қовуқнинг шамоллашига олиб келади. Биринчи марта чўмилиш ва биринчи бор циститни орттириб олишнинг бир-бирига боғлиқ томони битта — чиниқиш йўқлиги, иммунитетнинг пастлиги. Икки-уч кундан кейин қаҳрамонимиз пешобга тез-тез қатнай бошлайди, жамоат жойларида, тўй-ҳашам, мажлисларда тинч ўтира олмайдиган бўлиб қолади.

Шамоллаш

Томоқдаги оғриқ, грипп, ларингит касалликларининг кўпчилиги одатда, сийдик пуфагигача боришга қодир. Буни тушуниш осон: шамоллаган аёлларда иммунитетнинг пасайиши микробларнинг ҳужумга ўтишига йўл очиб беради. Айниқса, ҳайз кўриш кунлари иммунитетнинг пасайиши кузатилади. Ҳайз кунлари эҳтиёткорликни талаб қилса-да, лекин кўп қизлар бунга риоя қилишмайди.

Сурункали чарчаш, диққинафас бўлиш, доимий стресслар иммун тизимини ишдан чиқаради ва албатта, қовуққа таъсир қилади. Эсладингмизми — озгина диққинафас бўлсангиз, дарров сийиш нияти пайдо бўлади ва ҳожатхонага югурасиз. Бу ҳолат нейроген қовуқ деган хасталик бўлиб, циститга яқин ҳолатдир.


Авитаминоз

Кўп инфекцияга қаршилик кўрсатиш учун инсонга витаминлар керак бўлади. Лекин эрта баҳор, қиш ойларида, афсуски, кўп юртдошларимиз қимматсиниб мева емайди, апелсин, балиқ, арахис ва бир қатор дорилар ҳам сабаб бўлади. Бу аллергин цистит дейилади.

Кўп ҳолатларда беморлар эҳтиёж бўлса ҳам сийишдан тийилишга ҳаракат қиладилар. Бу, албатта, нотўғри.

Мода

Юқорида биз совуқ кунларда қорнини очиб юрадиган қиз, аёллар тўғрисида гап очган эдик. Кун бўйи қорнини очиб юрган қиз, албатта, қовуғини шамоллатиб қўяди. Аёл киши фаслга, об-ҳавога қараб кийиниши яхши эмасми?!



Ҳозир тор жинси шимлар урф бўлган. Бу гигиена, физиология тизимига тўғри келмайди. Италия урологлари 2008 — 2009-йиллари олиб борган изланишлар бунинг нотўғри эканини илмий жиҳатдан исботлаб берди. Уларнинг фикрича, сиқиб турадиган жинси кийган аёлнинг циститга чалиниши осон кечади, чунки белни сиқиш, камар билан тортиш ва шимнинг бир размер кичкина бўлиши циститга олиб келади. Шунинг учун аёлларимизга маслаҳат — кенг, эркин кийимларда юринг, бу ҳам модага хилоф эмас, балки унинг бир чиройли белгисидир.

Ҳомиладорлик

Бу бахтли даврда ҳам цистит ўз ошноларига эга бўлади. Бунга ҳомиладорликда учрайдиган гормонал ўзгаришлар сабабчидир. Улар аёлнинг иммун системасини пасайтириш вазифасини бажаради. Шу билан бирга, ҳомиладорликнинг бошларида ҳам бўладиган жинсий алоқалар циститга олиб келади.

«Асал ойи цистити»

Тиббиётда шундай термин ҳам бор. Бу қиз боланинг оилавий ҳаётга киришиши билан боғлиқ. Жинсий алоқалар, кучли ҳаяжон даврлари — буларнинг ҳаммасига ўрганиш, кўникиш учун вақт керак. Жинсий алоқанинг ўзи келинларда кучли гормонал ўзгаришга олиб келади, шу тариқа уларнинг иммун қаршилиги пасаяди. Бу сустлик қовуққа таъсир кўрсатади. Шунда келинчакда цистит учраши мумкин. Лекин у бечора бу дардини кимга айтади, кўпинча дарди ичида қолиб кетади. Вақт ўтиши билан қайнона, уйдагилар буни пайқаб қолишади. Бундай келинчакнинг аҳволини тушунган қайноналарга минг раҳмат, бироқ уларнинг сони кам. Кўпинча бу ҳолат қандайдир майда гапларга олиб келиши мумкин.

Буйрақдаги тошлар, простата бези аденомаси, гинекологик касалликларда цистит сурункали шаклда бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда беморлар мутахассис шифокорлар назоратида бўлиш ва даволаниши лозим.

Циститни даволаш йўллари ва профилактикаси

Беморнинг ҳолати кўпинча шундай — қорнинг пастки қисми оғирлашиб, сийиш истаги ва қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Асосий белги — тез-тез пешобга чиқишдир. Бу ҳолат беморни кундузи ҳам, тунда ҳам безовта қилади. Цистити бор беморлар ҳожатхонага қатнайвериб чарчашади. Бундай беморлар нега тўй-ҳашамларда уйнинг энг чеккасида ўтириши сабабини пайқаган бўлсангиз керак.

Биринчи навбатда, шифокор терапевт ёки урологга учрашинг, анализ топширинг, тўла-тўкис касаллик сабаблари аниқлансин. Фақат шундагина тез шифо топиб кетасиз. Шифокор маслаҳати билан микробларга қарши дорилар — фурагин, фурадонин, 5-НОК, нитроксолин, невиграмон, неграм, палин ёки гиёҳлардан тайёрланган канефрон истеъмол қилишингиз мумкин. Бу препаратларни истеъмол қилиш муддати 5-7 кундан кам бўлмаслиги керак. Икки-уч кунда енгил тортиб қолдингиз, тез-тез сийишлар кескин камайди, оғриқлар тўхтади. Мана шу вақтда кўп беморларимиз даволанишни тўхтатиб қўядилар, бу катта хатодир. Чунки тўла даволанмаслик касалликнинг сурункали шаклга ўтишига олиб келади, бу хасталикни даволаш бемор учун қимматга тушиши мумкин.

Кўпинча, цистит билан оғриган беморлар ичимликни кам ичишга ҳаракат қилишади. Бу нотўғри, кунига 2-2,5 литр сувни даволаш жараёнида ичаверинг, фақат бу минерал сув бўлиши керак. Ҳар хил бўёқли сувлар («Кока-кола», «Спрайт», «Фанта» ва б.)ни ичманг. Нима учун минерал сувларни тавсия қилаяпмиз — улар микробларни чиқаришда, ювишда ёрдам беради. Бунга қўшимча ҳолда буйракни яхши ишлатадиган гиёҳларни чой қилиб ичиш тавсия этилади.

Тез тузалмоқчи бўлсангиз, тез-тез ҳожатхонага бориб туринг, ўзингизни тийманг, қийнаманг. Шу билан бирга, иссиқ кийиниб юриш лозим. Алкоголли ичимликлар, аччиқ, нордон, иштаҳаочар маҳсулотлар маън этилади.

Халқ табобати усуллари

Кўпинча, беморлар оддий усуллар, халқ табобати, гиёҳлар билан ҳам даволанса бўладими деб сўрайдилар. Маълум қиламизки, ушбу усуллардан шифокор буюрган асосий давога қўшимча қилиб фойдаланиш мумкин.

Пишиқ қизил ғиштни олиб газга қўйиб қиздиринг. Кейин қизиган ғиштни латтага ўраб қовуқ тепасига 20 дақиқа қўйиб ётинг. Бу муолажа кунига 3 марта қилинади.

Уйқудан олдин иссиқ ванна қабул қилинг. Бунинг учун пластмасса тоғорачага қайноқ сув қуйиб, бирпасдан кейин ўтиринг. Бу муолажа муддати 20 дақиқа бўлиши керак. Ундан кейин артиниб, иссиқ кийим кийиб ётинг. Кечаси безовта бўлиш камаяди ва шу сабабли тинч ухлайсиз.

Циститга қарши бир қатор гиёҳлар бор. Булар далачой, жағ-жағ, полпола, маккажўхори попуги ва бошқалар. Уларни чойга ўхшаб дамлаб ичиш тавсия этилади. Бундан ташқари, дорихоналарда махсус тайёрланган гиёҳлар сотилади. Уларни ишлатишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашишни тавсия қиламиз.

Касал бўлганингизга икки ҳафта бўлса-да, даволаниш самара бермаса, шифокор қабулига боришингиз лозим. Бу ҳолат касаллик тепага, буйракка ўтганидан далолат беради. Мана шундай ҳолларда шифокор маслаҳати айни муддаодир.

Эсингизда бўлсин, соғлиғингиз ўз қўлингизда!

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ishonch 2009-yil 30-aprel
№ 52 (2621)

ЯНГИ РОМАН МУҲОКАМАСИ

Буюк давлат арбоби, бунёдкор, илм-фан ҳомийси, соҳибқирон Амир Темурнинг суронли ҳаёти ҳамиша авлодларга ўрнакдир. Уни ўрганиш тобора давлат аҳамиятига эга вазифага айланиб бормоқда. Шу маънода адабиёт ва санъатда соҳибқирон образини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг соҳибқирон даврига бағишланган шеър, достон, роман ва эсселари ўқувчилар орасида машҳур. Адибнинг Амир Темур ҳаётига бағишланган «Улуғ салтанат» тарихий роман-диалогияси 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирланди. Яқинда адиб ушбу тетралогиянинг учинчи китоби — «Мироншоҳ Мирзо» романини ёзиб тугатди.

Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгашида «Мироншоҳ Мирзо» тарихий романининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Сўзга чиққан олим ва адиблар Дилором Юсупова, Қозоқбой Йўлдошев, Михли Сафаров, Пирмат Шермуҳамедов, Ортиқбой Абдуллаев, Адҳамбек Алимбеков, Жалил Ҳазратқулов, Тўлқин Ҳайит, Жуманазар Бекназар ва бошқалар асарда Амир Темурнинг кучли характер даражасига кўтарилган тўлақонли образи яратилганлиги, давр кишилари, манзаралари ишонарли тасвирланганлигини алоҳида таъкидлашди. Асарнинг тили ширали ва бадиий хусусиятлари мақтовга сазовор. Адибнинг Амир Темур даврини яхши ўрганганлиги кўриниб туради, темурий маликалар образлари, жанг тасвирлари ўқувчи эсида қолади. Нотиқлар заҳматкаш адибимизни юксак ижодий муваффақиятлар билан чин дилдан табрикладилар.

«Мироншоҳ Мирзо» тарихий романи нашрга тавсия қилинди. Муҳокамани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид олиб борди.

Ўз мухбиримиз

Баҳор ойларида ердан бир ўсимлик барқ уриб униб чиқади. Унинг ёш барглари таомларга солинади. Бу қариқиз ўсимлигидир. Табиатда шундай ўсимлик ҳам бор эканми, деб ажабланманг. Ҳа, бор. У боғларда, йўл ёқаларида, ҳовлиларда учрайди. Кўпроқ Тошкент ва Фарғона водийсида ўсади. 19-асргача Европа мамлакатларида қариқизни мутлоқ билишмаган. Рус ҳарбийлари Францияга (Наполеон урушида) гиёҳни олиб боришгандан сўнг маълум бўлган.

Ҳам зиравор, ҳам доривор.



Қариқиз икки йиллик, мураккаб гуллилар оиласига мансуб. Бўйи 1,5 метргача етади. Пояси қиррали, тукли, юқори қисми шохланган. Барглари жуда йирик, узунлиги ярим метр.

Баҳордан кўкара бошлаб, ёз ойларида гуллайди, сентябрда меваси пишади. Табобатда илдизи, барги, гуллари ишлатилади. Илмий тиббиётда эса кўпроқ илдизи қўлланади. Таркибида инулин, эфир мойи, органик кислоталар, фитостерин, ёғсимон ва ошловчи моддалар, шиллиқ ва аччиқ моддалар, қатрон мавжуд.

Халқ табобатида гиёҳ меъда яраси, сурункали гастрит, буйрак хасталигида, бодни даволашда ишлатилади. Пешоб ҳайдовчи, терлатувчи, оғриқ қолдирувчи хусусиятга эга. Қариқиз ҳароратни туширади, ел ҳайдайди, тана шишганда, шамоллашда шифодир. Иштаҳани очиб, таом ҳазмини яхшилайди. Ўн икки бармоқли ичак яраси, подагра хасталикларида қўлланади. Турли тери касалликларида (ҳуснбузар, учуқ, чипқон), қандли диабетда наф беради. Барги ўт (сафро)ни ҳайдайди. Баргидан тайёрланган дамлама тери куйганда, яраларда тавсия этилади. Бодом ёки зайтун мойи билан қариқиз илдизидан тайёрланган мой соч ўстириш учун суртилади. Бу «Репейное» номи билан упаэлик дўконларида аҳён-аҳёнда сотилади. Барги ва илдизини майдалаб, сариёққа қўшилгани ҳам сочни мустаҳкамлайди.

Соч тўкилишининг олдини олиш учун қуйидаги қайнатма яхши наф беради: 20 гр. қариқиз илдизи, 10 гр. тирноқгул (календула) гуллари бир литр сувга солиниб, 15 дақиқа қайнатилади, сўнг докада сузилади. Уй ҳароратида совутилади. Илиқ ҳолида қайнатма 3 кунда бир марта бош терисига суртилади.

Баргида 350 мг. аскарбин кислотаси (С витамин), каротин, пектин моддасига ўхшаш маъдан сақлайди. Шу боис барги яраларнинг тез битишида эм бўлади.

Қариқизнинг гулли саватчаси — тиконча лари шишларга қарши курашиш хусусиятига эга.

Қандли диабет ва панкреатитда бир қошиқ ўсимлик илдизини 200 мл. қайноқ сувга солиб, 3 дақиқа қайнатилади. Кейин докада сузилиб, қайнатма таомдан олдин кунига 3 марта 2 қошиқдан ичилади. Оғиз бўшлиғи шамоллаганда қариқиз илдизи ёхуд барги дамламаси билан чайиш буюрилади.

Ўсимлик рахитда, диатез, қабзиятда малҳам бўла олади. Организмда модда алмашинувини яхшилайди. Тери хасталикларида қонни тозалашда тавсия этилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос

ИЗОҲИ СИЗДАН...





Иккитамас битта юз,
Шошилмангиз ҳой, бир оз.
Наҳот, ахир сезмайсиз,
Бу кичик фокус холос.

***

Неча йилки ортимдан,
Таъқиб қилар шу шум қиз.
Ютуқларим кўролмай —
Лабин қимтир ҳеч унсиз.

***

Суратчининг ҳазили,
Ҳайрон бўлиб олманг тин.
Икки юзли одамдан,
Худо ўзи асрасин.

Асадулло МИРЗААКБАРОВ, «Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг раиси.

Икки эмасдир бошим,
Ёнимдаги ҳамроҳим.
Тескари қараса ҳам,
Араз қилмас дугонам.

***

Елкамга тушиб турган,
Дугонамнинг кокили.
Суратчи сўлда экан,
Шундай турибмиз майли.

Жавлон ШАРАПОВ, «Мадад» суғурта агентлиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?



Рассом: Олег СМАЛ

Куёв тушликдан бош тортди.
Келин:
— Шунақа-да, тўйдан кейинги ҳунар! Нима эмиш, овқатим яхши эмасмиш! Ахир тўйимизгача «сиз учун ўлимга ҳам тайёрман!» деган ваъдаларингиз қани?
Тоқати-тоқ бўлган куёв:
— Бўпти, бўпти... Опке овқатингни!

— Жуда ғалати! Доим хотининг билан жанжаллашсанг, қайнонангни мақтайсан-а?!
— Бунга сабаб, айнан қайнонам бизнинг никоҳимизга қарши бўлган!

— Бир кунда сигирингиздан неча литр сут соғиб оласиз?
— Ўн литр.
— Қанчасини сотасиз?
— Ўн литрини.
— ...?
— Ҳа, нега анграясиз? Ахир ортиқча сотолмайман: болаларимга ҳам икки-уч литр қолиши керак-ку!

Талабалар ётоқхонада эрталаб уйғонишгач, қаерга боришни муҳокама қилишиб, танга ташлашмоқда:

— Агар гербли томон тушса — пиво ичгани борамиз, сонли томони бўлса — кино кўргани, ёни билан туриб қолса — ухлаймиз, ҳавода муаллақ қолса — дарсга борамиз.

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиков, Нормамат Аллаёров, Носирхон Ахборов, Ойсулув Нафасова, Пирмуқул Қодиров, Соғиндиқ Киетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
ПВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Қоғоз 4 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

ISSN 2010-5002

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - Н.Махамов
Мусаҳҳиҳ - С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма Г–314 | Тираж: 18600

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.20

Сотувда эркин нархда | 1 345678